


# Jahon ADABIYOTI

*Адабий-базарий, изжитиеллий-публицистик журнал*



Апрел - 2006

# *Жазон* АДАБИЁТИ

*Адабий-базий, изжитмий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№4 (107)

2006 йил, апрел

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБОУТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
ЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

- МУНИНДИИН НАТАНЗИЙ. Соҳибқирон ҳаётидан лавҳалар..... 3  
ПРАМУДЬЯ АНАНТА ТУР. Индонез ҳикоялари..... 43

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- ЭДГАР АЛЛАН ПО. Буюк Темур. Достон..... 38

### АДАБИЙ ЖАРАЁН

- СОЛ БЕЛЛОУ. Адиблар, зиёлилар, сиёсатчилар..... 57

### ПУБЛИЦИСТИКА

- БАҲОДИР КАРИМ. Пекин таассуротлари..... 69

### ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

- РОЙ МЕДВЕДЕВ. Сталиннинг ёнидаги «даҳо»..... 78

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

- ГУСТАВ ЯНОУХ. Кафка билан суҳбатлар..... 105

### ХХ АСР АДАБИЁТИ

- САРВАРА АКОБИРОВА. Осиёга содик адаби..... 120

ТОШКЕНТ  
АПРЕЛ

<b>АДАБИЙ ТАНКИД</b>	
АБДУГАФУР РАСУЛОВ. Адабий характер талқини.....	124
<b>ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ</b>	
МАНЗАР АБДУЛХАЙРОВ. Нафосат хазинафони.....	133
<b>КИТОБЛАР ОЛАМИДА</b>	
САОДАТ МҮМИНОВА. Адибнинг нурли «Тундаликлар»и.....	137
<b>САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА</b>	
РЭЙ БРЭДБЕРИ. Марсга хужум. Роман.....	140
<b>КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА</b>	
Янги нашрлар.....	205

Бош муҳаррир  
ўринбосари:  
**Мирпӯлат МИРЗО**

Таҳрир ҳайъати:  
**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**

Жамоатчилик кенгаши:  
Равшан АБДУЛЛАЕВ  
Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ  
Бобур АЛИМОВ  
Кудус АЪЗАМОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Туробжон ЖЎРАЕВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Ғайрат ШОУМАРОВ  
Тўленберген ҚАЙПЕРГЕНОВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

**Жаҳон адабиёти, 4. 2006.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўллэзмалар қайтарилимайди.

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир О.АБДУЛЛАЕВ  
Рассом А.БОБРОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусахҳиҳлар Д.АЛИЕВА, Н.ИБРОҲИМОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Ш.АБДУЖАББОРОВА

Теришга берилди 15.02.2006 й. Босишига руҳсат этилди 28.04.2006 й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қозози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоги 20,0.  
Жами 1000 нусха. 06—545 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигининг “Ўзбекистон” НМИУида чоп этилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2006 й.**

## Нафосат хазинабони

**М**ир Алишер Навоий меросининг муҳим қирраларидан бири тарихдан диний манбалар билан узвий боғлиқдигидадир. Шоир асарларида сўфиёна тимсоллар ва сўфийлар тимсоли матншунос, адабиётшунос олимлар томонидан бир қадар кенг таҳдил этилган. Аммо Навоийнинг диний манбаларга муносабати, хусусан, шоир асарларидаги исломий сўзлар лексикаси деярли ўрганилмаган. Бу ҳол собиқ шўролар даврида узоқ давом этган. Ҳолбуки Навоийнинг диний мазмун-моҳиятидан йироқ бўлган бирор-бир асари йўқ. Шоирнинг деярли барча асарларида диний манбаларга, Куръони Каримга муносабат билдирилган:

Оlam эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,  
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамроҳ эрур,  
Куръонни тиловат этсун гар огоҳ эрур,  
Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

Шоирнинг “Назм ул-жавоҳир” асаридаги ушбу мисралардан англениалики, ўзини маънан огоҳ деб билган ҳар қандай “дардли” киши, яъни у хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо бўлсин, кўнглига малҳамни фақат Куръонни қайта-қайта тиловат қилишдан топади. Зоро, ҳар қандай оғир дамларда ҳам “эл”, “улус”, “райят” кўнглига Каломуллоҳ даво бўлиб келганидек.

Тарихий манбалардан маълумки, Навоий яшаган даврда Ислом дини, дин пешволари катта мавқега эта бўлиб, Куръонни ёд олган нуфузли, “кувваи ҳофиза”си кучли қорилар кўп бўлган ва дин ақидалари, хусусан, фиқҳ имми жуда ривож топган. Табиийки, ўша даврда ҳам мутаассиб диндорлар, ўз руҳоний илмига мағрур уламолар кўп бўлган. Қолаверса, ўз даврида Оллоҳнинг инояти билан узоқ асрлар башарият орзу қилган “валиюллоҳ”, “харобот аҳли”ларининг “дури ятими” бўлмиш Навоийдек даҳо санъаткорнинг ижод майдонида “тавсан суриши” анча-мунча дин аҳдларини ҳайратта согланлиги аник. Бундай мутаассиб кимсаларнинг шоир шеърияти маъно-мазмунини тўла-тўқис идрок эта олишлари ҳам ақддан йироқ кўринар эди. Улар ҳатто, шоирни назмгўйликда айблаб, Ислом динига зид “куфр” ишларни авж олдирияпти, “ислом дини уйини” бузаяпти деб айтишлари ҳам ҳеч гап эмас эди. Агар шундай бўлмагандага шоир бу борада баъзи фикрларни ошкора илгари сурмаган бўлур эди:

Эшиттим базмининг бир нуктадони,  
Шоҳи соҳибқирон жон дармиёни.  
Демиш: не суд гар бир уйни тузмиш  
Ки, назми шайнидин кўп уйни бузмиш.  
Ўкуғон эл онинг шеърини пайваст,  
Тилар бўлгай ҳамиша ошиқу маст.  
Солиб ислому дин уйига ошуб,  
Бинойи хайр буткармак не маҳсуб.

Бироқ шоир шахсиятидаги бу қадар хокисорлик ҳатто, ана шундай уйдирма, фиску фужур гапларни тўғри танқид деб айтишга изн беради. Гёё шоир бу “қийлу қол” (гап-сўз)лардан тўғри холоса чиқаради:

Тушуб бу нуктадан жиссим аро печ,  
Чу билдим, чин эмиш дам урмалим ҳеч.  
Дедимким, айлайин бир нусха мастур  
Ки, бўлгай дину ислом уйи маъмур деб, —

шоир ўзининг “Сирож ул-муслимин” (“Мусулмонлар чироги”, 1499-1500 йилда ёзилган) номли асарини ёзди. Асар Ислом динининг асоси бўлган иймон ва унинг шаҳобалари баёнига багишланган.

Биз кейинги йилларда Алишер Навоийнинг “Сирож ул-муслимин” асаридаги сўзларни “Алишер Навоий асарларининг изоҳли лугати” (1983-1985 йиллар)га қиёсий таҳлил қилиб чиқдик. Натижада, лиҳия, истиншоқ, тахийр, фарзият, таҳаққуқ, мазмза қилмоқ, муволот, алҳамду, нафсфармой, ташаҳҳуд, таяммум, тасаддуқ, каби “Сирож ул-муслимин”да қўлланилган, лекин мазкур лугатда бу каби қайд этилмаган соғи исломий сўзларни аниқлашга муваффақ бўлдик. Қўйида изоҳданаётган ана шундай исломий сўзлар намуна сифатида келтирилди:

**истиншоқ** — таҳорат вақтида бурунга сув олиш ёки чайиш учун сув ишлатиш:

Оғизга мазмаза қилмоқ билтил,  
Бурунга даги истиншоқ қилғил.

**тахийр** — ихтиёр бериш, эркинлик бериш:

Яна тарғиб, яни улча таҳрир,  
Қилинди берма лек анга тахийр.

**муволот** — узлуксиз равишда кетма-кет бажариш:

Бурун ният, яна билгил муволот,  
Бори бош масҳию тартиби одот.

**лиҳия** — соқол, эркак кишининг юз, чакка туклари:

Яна таҳлил қилмоқ лиҳияга зам,  
Оёғ бирла илик бармоғлари ҳам.

**фарзият** — Оллоҳ йўлида буюрилган фарзлар, фарз баёнлари, вожиб амаллар:

Вале фарзияти-да шартлар бор,  
Кулоқ тутким, қиласай борини изҳор.

**таяммум** — ислом дини қоидаларига кўра сув бўлмаган жойда тупроқ ёки кум зарралари билан юз-қўл ва бошқа яширин аъзоларига таҳорат олиш мумкин:

Таяммум фарзи аввал бўлди ният,  
Илик туфроққа урмак икки навбат.

**тасаддуқ** — садақа бериш, худо йўлига холис садақа қилиш; садақа, ҳайрот бериш:

Бу сийм аҳкомидур қилмоқ тасаддуқ,  
Яна ашёда мундоқ бил таҳаққуқ.

Лугатлар мумтоz асарларни ўқиши ва уқиши, уларга ҳаққоний баҳо беришида кўзгу вазифасини ўтайди. Ҳар бир халқнинг тарихан миллий маънавиятини шаклланишида ҳам лугатларнинг ўрни бекиёс: Албатта, Алишер Навоий асарлари учун тарихда ўнлаб лугатлар тузилган. XX асрда ҳам бу иш маълум маънода давом этган. Жумладан, “Лугати Амир Навоий”, “Дар баёни лугати Навоий”, “Абушқа”, “Санглоҳ” ҳамда Порсо Шамсиев, Собиржон Иброҳимовлар томонидан тузилган “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат” (1953) ва яна шу муаллифлар томонидан тузилган “Алишер Навоий асарлари лугати” (1972) каби.

“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” буюк мутафаккир шоирнинг бебаҳо асарларини ўқиши ва тушуниш учун китобхонларга катта ёрдам берувчи фундаментал тадқиқотdir. Унинг нашр қилиниши тадқиқотчилар учун ҳам бой фактик материаллар берди. Изоҳли лугатдан фақат ўзбек мумтоз асарлари тилинигина эмас, балки кўпгина бошқа туркий ҳалқларниң адабий ва тарихий қўллэзма манбаларини ўрганишда ҳам фойдаланилди.

Ушбу лугат ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг “Тарихий лексикология ва лексикография” (1983-1985 йиллар) бўлимида тайёрланиб, напр этилган. Лугат Навоий асарларидағи диний сўзларни ҳам қамраб олган.

Айрим исломий сўзларнинг изоҳли лугатга кирмай қолиши бошқа омилларга ҳам боғлиқ бўлган кўринади. Баъзи сўзлар, бизнингча, лугат тузувчи жамоа ёки ноширлар назаридан четда қолган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, шоир асарларидаги “Насуҳ” сўзи изоҳли ва замонавий лугатларда учрамайди. Бу сўзниң маъноси ҳануз очилмай қолмоқда. Зоро, янги нашрда ҳам бу сўз кичик ҳарф билан ёзилганлиги юқоридаги хуносага келишимизга сабаб бўлади:

Буюрма тавба яна носиҳоки, муғбачалар  
Ҳавоси қилди мени тавба, тавбасига насуҳ.

Бу сўзниң асл маъносини чукурроқ англаш учун, аввало, диний манбаларга мурожаат қилиш керак: уларга кўра, қадим замонда бир подшоҳнинг ҳарамида аёл қиёфали, хушсурат бир йигит яшаган экан. Унинг исми Насуҳ бўлган. У ўзининг ташкى кўринишидан фойдаланиб, подшоҳ ҳарамига ўрнашиб олган. Бир куни ҳарамдаги аёллардан бирининг узуги йўқолиб қолади. Подшоҳ мулозимлари ҳарам аёлларини бирма-бир тафтиш қила боштайдилар. Насуҳ энг орқа қаторда туради. Мулозимлар ҳарамдаги ҳар бир аёлни текширганда Насуҳнинг жони гўё ҳалкумiga қелади, жони танасидан чиққудек бўлади. Навбат Насуҳга етганида мулозимлардан бири узук топилди, деб қолади. Тафтиш тўхтатилади. Насуҳнинг сири ошкор бўлмай сирлигича қолади. Лекин, жони омонда қолган Насуҳ Оллоҳга минг бора шукроналар келтиради. “Бу ҳарамни елкамнинг чуқури кўрсинг, то тирик эканман, ҳаргиз бу ишини бошқа тақрорламайман”, деб онт ичиб, тавба қилади ва ҳарамга бошқа йўламайди. Насуҳ умрининг охирига қадар шу ваъдасига содик қолади. Шунинг учун ҳам Куръони Каримда “Е айюҳалазина оману тубу илолоҳи тавбатан Насуҳан” — «Эй имон келтирганлар, агар тавба қилсаларинг худди Насуҳ тавбасидай чин тавба қилинглар” дейилган. (Куръони Карим, 22 : 8). Тасаввуфий манбаларда ҳам аслида ҳақиқий тавба Насуҳ тавбасига нисбатан айтилиб, илоҳийдир, дейилади.

Умуман, Навоий асарларида тавба сўзи жуда кўп қўлланилган. Лекин, атиги икки марта Насуҳ тимсоли ишлатилиши алоҳида мазмун-моҳият касб этган. Зоро, тавба сўзи “Хайратул-аброр” достонидаги ўн бешинчи мақолатнинг биринчи қисмida 13 марта, иккинчи қисмida ҳам айнан 13 марта қўлланилган. Ушбу мақолатда тавба сўзи жами 26 маротаба ишлатилган. Асарнинг бу қисмлари илоҳий тавба тимсолига бағишланган десак, ҳеч муболага бўлмайди:

“Тубу илаллоҳ” ила топса футух,  
Бўлса бу тавбаки, топибдур Насуҳ.

Юқоридаги байт маъносидан англашилади, шоир Насуҳ тавбасидек илоҳий тавбага мушарраф бўлиш инсон учун нақадар баҳт эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Ҳақ бу қарам қилмаса нетсун киши,  
Ўзлук бирла нечук этсун киши.

Ушбу байтда агар Оллоҳ марҳамат қилмаса, киши ўзлигича қандай қилиб чин тавбага эришиши мумкин, деган ғоя илгари сурилади:

Тавба эмас етмайин илҳоми гайб,  
Кимки ўзи қилса ушатмоқ не айб.

Навоий мазкур байтда ҳам тавба ҳақиқидаги олдинги фикрларни давом эттириб, кишига гайдан илҳом етишмагунча, унинг ўзича қилган тавбаси тавба ҳисобланмайди. Шунингдек, тавбасининг бузилмоғи ҳам айб саналмайди. Зотан, инсон камчиликлардан ҳоли эмас. Киши ўзича тавба қилса, тавбасининг бузилмоғи нүқсон ҳам эмас. Лекин у ҳар сония оғоҳ бўлиб, гуноҳ қилмасликка ҳаракат қилиши ва бунинг учун тинимсиз риёзат чекиб, Оллоҳнинг лутф ва қарамидан умидвор бўлиши зарур. Демак, унинг қалбига Оллоҳдан юборилган сирли муждагина ҳақиқий тавбага йўл очади деган фикр баён этилади:

Одам ўз журмиға мухтор эмас,  
Тавбасидин доғи хабардор эмас.

Мазкур байтдан маълум бўладики, инсоннинг ихтиёrsиз равишда нүқсон ва камчиликларга, хатога йўл кўйини ўз ихтиёридан ташқарида. Зоро, у ўзи қилган тавбаси бузилишидан хабардор ҳам эмас. Яъни уни келажакда қандай синовлар кутаяпти, шу синовлардан унинг иймони пок ва саломат ўтадими ёйўқми? Бу — ёлғиз парвардигорга аён.

Амр бўлиб тавба деса чин дурур,  
Гар они ҳифз этмасалар синдурур.

Ушбу байтда агар ожиз бандани Оллоҳ гуноҳлардан сақламаса, у хатога йўл кўяверади. Унга фақат Оллоҳдан илоҳий мужда етиб, тавба қилсагина ҳақиқий тавбасига етишади деган фикр илгари сурилган.

Тавбага ҳар кимгаки тавфиқ эрур,  
Синмас анинг тавбаси таҳқиқ эрур.

Мазкур байтда шоир ҳар ким тавба қилаётганда, унинг (Оллоҳ) ёрдамида бўлсагина, бу тавба ҳеч қачон бузилмайди деган фикрни баён этган.

Ўзлук ила тавба табоҳи дегил,  
Қўлмогидин тавба илоҳий дегил.

Шоир ушбу байтда юқоридаги мисралардан келиб чиқиб, қуйидаги фикрларни умумлаштиради. Кишини ўзича ёки шунчаки қилган тавбаси эмас, зоро, у омонат, яъни бузилиши муқаррар. Эй инсон! Сендан ҳақиқий тавба қандай бўлади деб сўрасалар, Оллоҳ бандасининг кўнглига солган тавбагина ҳақиқий тавбадир, деб айт! Аммо, бундай тавбани Оллоҳ ўзи севган бандаларига беради. Зотан, Насуҳга берилган илоҳий тавба каби. Агар Оллоҳ тавбани банданинг кўнглига солмаса, у ҳақиқий тавба қилмай, бу дунёдан сўқир ҳолда ўтиб кетаверади. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асаридаги 15-мақолатнинг иккинчи қисмida ҳам айнан ана шундай ҳолат баён этилган.

Мазкур баёндан кўриниб турибдики, Алишер Навоий асарларида мазмун-моҳияти очиб берилмаган бундай сўзлар талайгина. Алишер Навоий асарларидаги маъноси янги аниқланган сўзлар қомуслар ва умумтилшунослик манбаларини тўлдириш учун хизмат қилибгина қолмай, балки шу билан биргаликда ёш алабиётшунос, муаррих, қолаверса, кенг китобхон мухлисларга гоя ва образларни таҳлил қилишда ҳам кўл келади. Бундай сўзлар мумтоз маънавиятимиз дурдоналаридаги мазмун-моҳиятни чуқур идрок этишга, демак, ўзлигимизни янада теранроқ англашта имкон беради. Қолаверса, ўзбек адабий тилининг келажакдаги тараққиёти ҳам бундай сўзлар таҳлили билан чамбарчас боғлиқ.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,  
филология фанлари номзоди.